

ОЧИҚЛИК, ХОЛИСЛИК ВА ИННОВАЦИЯГА АСОСЛАНГАН ФАОЛИЯТ



Барчамизга аёнки, тараққиёт жараёнида математика, тарих, физика, социология, кимё, фалсафа, психология, умуман, барча фаннинг ўз ўрни бор. Зеро, назарий билимлар, узлуксиз изланишлардан олинган тажрибалар янги-янги ихтироларга сабаб бўлган. Улар бугун ҳам инсоннинг узоғини яқин, оғирини енгил қилиб келяпти.

Тамaddonнинг ана шундай ютуқларини уйғунлаштириб турувчи бир йўналиш борки, у ягона сўз билан “статистика” деб аталади. Машхур немис файласуфи Гёте “Рақамлар дунёни бошқаради дейишади. Йўқ, аслида улар дунёни қандай бошқаришни кўрсатиб туради” дея айнан статистикага таъриф бергани бежиз эмас. Рақамлар билан ишлаш машаққат, аммо уларни оммага тушунарли тарзда етказиб бериш эса санъатдир.

Долзарб мавзу

Асосий тамойиллар нималардан иборат?

Ўзбекистонда Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар статистика идоралари фаолиятида ҳам ўз самарасини беряпти. Хусусан, статистика маълумотларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашга эришилди. Фойдаланувчиларга долзарб бўлган статистика маълумотларини эркин олиш имконияти яратилди. Бу натижалар нафақат юртимизда, балки хорижда, энг асосийси, халқаро статистика ҳамжамияти томонидан ҳам юқори баҳоланмоқда. Зеро, давлат раҳбари ҳамда ҳукумат томонидан қабул қилинган қарорлар ихроси соҳани тубдан ўзгартирмоқда, амалиётга халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибаларни кенг жорий этиш, статистик маълумотлар ҳаққонийлиги, ишончилиги ҳамда очиқлигини таъминлаш имкониятини кенгайтиряпти.

Бинобарин, фойдаланувчиларга тақдим этиладиган статистик маълумотлар сифат ва ҳажм жиҳатидан тубдан такомиллаштирилди. Статистик нашрлар ҳамда тўпламлар халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда маъромига етказилди. Авваллари олиш имкони бўлмаган асосий макроиктисодий ва молиявий кўрсаткичлар очиқлиги таъминланди ҳамда Ўзбекистон Республикасини Халқаро валюта фонди (ХВФ)нинг кенгайтирилган Маълумотлари тарқатишининг умумий тизимига уланишга эришилди.

Асосий ахборот ресурси — Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг расмий веб-сайти замонавий андозаларга мос тарзда қайта ишлаб чиқилиб, ишга туширилди. Очиқ маълумотлар портали фаолиятини такомиллаштириш бўйича тадбирлар амалга оширилди. Статистик кузатувларни ўтказиш жараёналарига босқичма-босқич инновацион технологиялар (планшетлар)ни жорий этиш ишлари бошланди. Тизим кадрлари малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Кўмита ҳузуридаги Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари маркази Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институтига айлантирилди. Институт қoшида “Ўзбекистон статистик ахборотномаси” илмий-электрон журнали, Эконометрика ва статистика ҳамда Иқтисодиётда ахборот тизимлари ва технологиялари ихтисосликларида илмий кенгаш фаолияти йўлга қўйилди.

Стратегик хужжатлар ихроси қандай кетяпти?

Шу ўринда мамлакатларнинг статистика салоҳиятини ўрганиш натижалари, халқаро амалиётда миллий статистика тизимининг истиқболдаги устувор йўналишларини белгилаб берувчи, ўрта муддатли комплекс ҳужжат — “Статистикани ривожлантиришнинг миллий стратегияси” қабул қилинганини алоҳида айтиб ўтиш жоиз. Чунки унда нафақат миллий статистика идоралари, балки мамлакат миқёсидаги барча статистика маълумотларини ишлаб чиқарувчилар фаолияти инобатга олинган. Шу асосда уларни чамбарчас боғлиқликда ривожлантириш назарда тутилган. Ваҳоланки, шу кунгача миллий статистика тизимини комплекс ривожлантиришга қаратилган ягона ҳужжат йўқ эди. Боз устига, 2002 йилда қабул қилинган “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонун ҳам янгиланишни тақозо этарди. Айнан шу мақсадларда халқаро тажрибалар ўрганилиб, миллий статистика тизимининг мавжуд ҳолати таҳлил қилинди, муаммо ва камчиликлар аниқланди, шулардан келиб чиқиб, ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгиланди. Бунда давлат раҳбарининг 2020 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори дастуриламал бўлди. Жумладан, мазкур хужжатда миллий статистика тизими фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган қатор нормалар белгиланди.

Биринчидан, давлат статистика органлари мустақиллигини янада мустаҳкамлаш юзасидан Давлат статистика кўмитаси ҳудудий бўлинмаларининг маҳаллий ҳокимият органларидан мустақиллиги белгилаб

қўйилди ҳамда мазкур бўлинмалар раҳбарларининг бундан буён бевоcита Давлат статистика кўмитаси раҳбари томонидан лавозимга тайинланиши тартиби жорий қилинди. Иккинчидан, Давлат статистика кўмитасининг миллий статистика тизимидаги мувофиқлаштирувчи роли мустаҳкамланди, хусусан, кўмитага статистика маълумотларини шакллантирувчи барча вазирлик ва ташкилотлар статистик методологияларини халқаро стандартларга мувофиқлиги юзасидан аудитдан ўтказиш ваколати берилди.

Учинчидан, статистик маълумотларни шакллантирувчи барча вазирлик ва ташкилотларда алоҳида статистика бўлинмаларининг ташкил этилиши қатъий белгилаб қўйилди.

Тўртинчидан, статистика тизимини ривожлантиришда фаол иштирок этиш учун Статистика кенгаши ва Жамоатчилик кенгашининг фаолияти қайта тикланди.

Бешинчидан, статистика соҳасига илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, расмий статистика маълумотларини шакллантиришни оптималлаштириш мақсадида вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимларини интеграция қилиш вазифаси қўйилди.

Шунингдек, қарор билан мамлакатимиз тарихида ilk бор, статистика тизимини такомиллаштириш борасидаги ишлар учун дастуриламал бўлиб хизмат қилувчи 2020 — 2025 йилларда статистикани ривожлантиришнинг миллий стратегияси тасдиқланди. Стратегияда 6 та йўналишда комплекс чора-тадбирларни бажариш белгиланган бўлиб, уни амалиётга жорий этиш мақсадида 86 та тадбирни амалга ошириш йўналишида 200 дан зиёд тадбирларни ўз ичига олувчи “Йўл харитаси” қабул қилинди.

Таъкидлаш жоиз, стратегия Жаҳон банки экспертлари техник кўмаги асосида ишлаб чиқилди. Уни ҳаётга таъбиқ этиш жараёнида Давлат бюджети маблағларидан ташқари Жаҳон банкининг 50 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағини жалб қилиш кўзда тутилган.

Ўзарo самарали муносабатлар — пировард мақсад

Маълумки, статистикада мулоқот ҳамиша бирламчи ҳисобланади. Шу

Айниқса, ҳозирги коронавирус пандемияси пайтида бунинг аҳамияти ниҳоятда юқори. Оддий мисол. Барчамиз эрта тонгдан, албатта, интернетга қараймиз ва жаҳондаги, юртимиздаги статистик маълумотлар билан танишамиз. Бинобарин, статистикани бугун сайёрамизнинг уриб турган юрагига, ўзига хос кўзгуга қиёслаш мумкин. Боз устига, бундан буён дунё рақамлашиб, массофалар, дақиқалар қисқаргани сайин, статистик маълумотлар шунчалик ортиб бораверадди.

Ҳўш, нафақат яшаётган давримиз, балки келажак учун ҳам муҳим бўлган мазкур жабҳанинг юртимиздаги аҳволи қай даражада? Уни ривожлантириш учун қандай шарoитлар яратилмоқда? Амалий қадамлар ташланяптими? Қуйида шу ҳақда батафсил тўхталиб ўтамиз.

ди. Уларни шакллантириш услубиётлари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилади ва тегишли маълумот базалари (Жаҳон банки, БМТ статистика бўлими, Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ФАО, Халқаро транспорт форуми, ЮНЕСКО маълумот базалари)да тўлиқ акс эттириш чоралари кўрилади.

Маълумотларни етказиб берувчилар билан ишлаш ҳамда маълумотларни тарқатиш амалиётлари такомиллаштирилади, Call-марказлардан фойдаланган ҳолда сўров ўтказиш йўлга қўйилади. Идоравий маълумотлардан фойдаланиб, ҳисобот юки камайтириб ва маълумотлар сифати эса ошириб бoрилади.

АКТ объектга ҳам, субъектга ҳам фойда келтирсин

Бугун бирор тармоқ, айниқса, статистика соҳасини АКТсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Зотан, бу глобал дунёда рақамларни “сўзлатиш”нинг асосий шартидир. Айнан шу оминдан келиб чиққан ҳолда кўмита веб-технологияларга кучли урғу беряпти. Ҳисоботларни электрон шаклда қабул қилишнинг замонавий автоматлаштирилган ахборот тизими (eStat-4.0)ни йўлга қўйиш бўйича қатъий интилишлар шундан далолат бeриб турибди.

Олдинга ташланаётган қадамлар фақат шу билангина чекланмайди. Масалан, илғор хорижий тажрибаларни ўрганган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Очиқ маълумотлар портали янги кўриниши яратилиб, ишга туширилади. Унга янги қулайлик ва функциялар киритилади. Маълумотларни онлайн тарзда аниглаб боришни йўлга қўйиш мақсадида давлат органларининг идоравий ахборот тизимлари ҳамда ресурслари портал билан интеграция қилинади.

Статистик маълумотларни сақлаш, қайта ишлаш ва тақдим этиш бўйича ахборот тизимлари такомиллаштирилади. Катта ҳажмдаги статистик маълумотларни қайта ишлаш жараёналарига “Oracle”, “MS SQL Server” маълумотлар базасини бошқаришнинг замонавий тизимлари, танланма статистик кузатувларни ўтказишга инновацион технологиялар (планшетлар) жорий этилади. Ахборот-коммуникация инфратузилмаси тўлиқ модернизация қилинади.

Статистика маълумотларини қайта ишлаш бўйича ахборот-коммуникация инфратузилмасини такомиллаштириш



Маълумот учун: тизим моддий-техника таъминотини яхшилашга ажратилган маблағлар доирасида 2020–2021 йилларда умумий қиймати қарийб 20,0 млрд. сўмлик сервер, компьютер, принтер, IP телефония ускуна ҳамда жиҳозлари харид қилинади ва ўрнатилади, видеоконференцалоқа ҳамда IP телефония тизимлари жорий этилади, Давлат статистика кўмитаси ҳудудий бўлинмаларининг юқори тезликда маълумот алмашиш имконини берувчи оптик толали тармоққа уланиши таъминланади.

Янги йўналишлар ва кадрлар малакаси

Кўмита томонидан аъъанавий фаолият кўламини кенгайтириш ҳам диққат марказида турибди. Бу борада 24 та йўналишда тармоқ ва ҳудудлар статистикасини такомиллаштириш бўйича 50 та тадбири амалга ошириш назарда тутилган. Бунга макроиктисодий ҳамда ижтимоий статистикани, “яширин иқтисодиёт”ни статистик баҳолаш усулларини, туризм, бандлик, экологик ҳисоблар, транспорт, давлат молияси ва бошқа тармоқлар статистикасини халқаро андозаларга

мослаштириш, шунингдек, рўйхатга олиш тадбирларига (аҳоли, қишлоқ хўжалиги, бизнес) пухта тайёргарлик кўриш ҳамда ўтказиш бўйича сайёҳаракатларни мисол тариқасида келтириб ўтиш мумкин.

Албатта, янгиликларни кадрларсиз, уларнинг малакасини оширмасдан туриб бажариб бўлмайди. Бинобарин,

Статистика салоҳияти индексининг ўсиб бориш динамикаси



Ишчи гуруҳ шакллантирилди, энди навбат...

Қайд этиш лозим, бугунги кунга келиб стратегия йўналишлари бўйича тегишли чора-тадбирларнинг бажарилиши учун масъул бўлган манфаатдор вазирлик ва идоралар вакилларидан ташкил топган тармоқ ишчи гуруҳлари шакллантирилди. Ҳар бир вазифа ишчи гуруҳлари ўртасида тақсимлаб берилди. Аниқ Ҳаракатлар режаси ҳам тайёрлаб олинди. Ўз навбатида, Статистика кенгаши томонидан миллий статистика тизими, шунингдек, тармоқ ишчи гуруҳлари фаолиятини ҳар чорак муҳокама қилиб бориш йўлга қўйилди.

Энди ҳар йили 1 октябрга қадар ҳисобот йили бўйича “Давлат статистика ишлари дастури”нинг бажарилиши натижалари, статистика соҳасида услубийни такомиллаштириш ҳамда ишларни ташкил этиш борасида тизимда олиб бoрилаётган фаолият самарадорлиги тўғрисида Статистика кенгаши муҳокамасига ҳисобот киритиб бoрилади.

Шу кунларда аҳолини рўйхатга олиш тадбирларига пухта тайёргарлик кўриб бориш, ўз вақтида ва сифатли ўтказилишини таъминлаш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Тегишли вазирлик ҳамда идоралар билан ҳамкорликда:

— 203 та туман ва шаҳарнинг схематик хариталари ҳамда 15 мингдан ортиқ аҳоли пунктларининг (маҳалла, қишлоқ ва овуллар) схематик режалари электрон шаклда тайёрланди;

— аҳоли пунктларида кўчалар ном белгиларини ўрнатиш, хонадон ва уйларни тўлиқ рақамлаш ишларини якунига етказиш давом этмоқда;

— аҳоли пунктларида ишовчилар сонини кўрсатган ҳолда хонадон ва уйлар рўйхати шакллантирилиб, 2023 йил аҳолини рўйхатга олиш даврига қадар мунтазам равишда янгилаб бориш тизими йўлга қўйилди.

Шунингдек, хорижий тажрибаларни ўрганиш борасида ЮНФПА ва МДХ Давлатлараро статистика кўмитаси билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, доимий равишда музокаралар олиб бoрилмоқда.

Бу каби музокаралар сентябрь ойда МДХ Давлатлараро статистика кўмитаси вакиллари билан бўлиб ўтди. Унда аҳолини рўйхатга олиш саволномалари ҳамда уларни тўлдириш йўриқномасини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди ва бу борада таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди.

Мухтасар айтганда, статистик маълумотлар қанчалик очиқ, шаффоф, ҳолис ва тўлиқ бўлса, жаҳон ҳамжамияти, айниқса, инвесторларнинг мамлакатга нисбатан ишончи шунчалик мустаҳкам бўлади, халқаро имиж юксалади, янгидан-янги сармоялар кириб келади, иш ўринлари яратилади.

Кўмитамиз бундан кейин ҳам ана шу масъулиятни ҳис қилган ҳолда янада фаол, инновацион ва жамоатчилик ишончига асосланган фаолиятини қатъий давом эттиради.

Одилжон МАМАДАЛИЕВ,
Давлат статистика кўмитаси
Халқаро ҳамкорлик ва ахборот
алмашув бошқармаси бошлиғи.

Усмон АБДУРАСУЛОВ,
ахборот хизмати раҳбари.